XALQ DEPUTATLARI FARG‘ONA VILOYATI KENGASHI
Q A R O R I

150100, Farg‘ona sh., Alisher Navoiy k., 15-uy, tel: (73) 244-07-35, e-mail: info@ferghana.uz, www.ferghana.uz

2021 - yil 30 - dekabr VI-39-65-11-0-K/21 Farg‘ona viloyati hokimligi

Фарғона вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни кўриб чиқиш (белгилаш) ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармонининг 1-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 8 ноябрдаги “қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллаш тўғрисида”ги 06/04-01-32/2248 ва 19/10-68220-сонли ҳамда вилоят молия бош бошқармаси ва вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 01/02/38/730, 15-6/3188-сонли қўшма хатлари ва давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 19/10-64205-сонли хати инобатга олинсин.

2. “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ

ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” миқдорларини кўриб чиқиш (белгилаш) бўйича “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси таклифи маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 8 ноябрдаги 06/04-01-32/2248 ва 19/10-68220-сонли қўшма хатларига асосан ер солиғининг амалдаги солиқ ставкалари 2022 йилда 1,07 бараварга индексация қилиниши кутилаётганлиги;

Фарғона вилояти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахсларга 1 га учун 29,0 млн.сўм ва жисмоний шахсларга 1 кв.м учун 260,0 сўм базавий солиқ ставкаси белгиланиши кўзда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Фарғона вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ,

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда,

Солиқ идораларига жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (туристик зоналарда жойлашган ер участкаларидан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига вилоят халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин.

5. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоев, молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев), давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов) 3 кун муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган коэффициентларни шаҳар ва туманларга етказилишини таъминласин.

6. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари кейинги солиқ даври учун солиқ ставкалари жорий солиқ давринининг 31 декабрига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органларига тақдим этсин.

Бунда,

мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаш бўйича муҳокамалар ўтказилади, муҳокамалар якуни бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларни жойлардаги солиқ органларига тақдим этилади.

7. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов)

ер солиғи бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини 1 январга қадар барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали етказилишини таъминласин;

ҳудудий солиқ органлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб бориш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиш чораларини кўриб борсин.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **(А.Уринбоев)** вилоятдаги тегишли ваколатли органлар билан биргаликда қарор билан белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган коэффициентларни қўллаб борилиши юзасидан ўрнатилган тартибда мониторинглар ўтказиб борсин.

9. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунига асосан мазкур қарор билан белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган коэффициентларни қўллаб борилиши юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатсин.

10. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (Д.Джураев), Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (Ш.Аслонов) билан биргаликда мазкур қарорни вилоят телерадиокомпанияси ҳамда вилоятдаги бошқа оммавий ахборот воситаларида, ҳокимлик муассислигидаги газеталарда эълон қилсин ҳамда ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирсин.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси раиси Р.Камолов ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоевлар зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **Х.Бозаров**

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-65-11-0-K/21-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

(минг сўмда)

№	Вилоят ҳудудлари номи	Коэффициент	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун *(1 га учун)*
1.	Фарғона шаҳар	1,30	37 700
2.	Қўқон шаҳар	1,30	37 700
3.	Қувасой шаҳар	1,00	29 000
4.	Маргилон шаҳар	1,30	37 700
5.	Олтиариқ тумани	1,00	29 000
6.	Боғдод тумани	1,00	29 000
7.	Бувайда тумани	1,00	29 000
8.	Бешариқ тумани	1,00	29 000
9.	Қува тумани	1,00	29 000
10.	Учкўприк тумани	1,00	29 000
11.	Риштон тумани	1,00	29 000
12.	Сўх тумани	1,00	29 000
13.	Тошлоқ тумани	1,00	29 000
14.	Ўзбекистон тумани	1,00	29 000
15.	Фарғона тумани	1,00	29 000
16.	Данғара тумани	1,00	29 000
17.	Фурқат тумани	1,00	29 000
18.	Ёзёвон тумани	1,00	29 000
19.	Қўштепа тумани	1,00	29 000

Изох: халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан юридик шахслар

учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-65-11-0-K/21-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

(сўмда)

№	Вилоят ҳудудлари номи	Коеффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун *(1 кв.м учун)*
1.	Фарғона шаҳар	1,20	312
2.	Қўқон шаҳар	1,20	312
3.	Қувасой шаҳар	1,20	312
4.	Марғилон шаҳар	1,20	312
5.	Олтиариқ тумани	1,00	260
6.	Боғдод тумани	1,00	260
7.	Бувайда тумани	1,00	260
8.	Бешариқ тумани	1,00	260
9.	Қува тумани	1,00	260
10.	Учкўприк тумани	1,00	260
11.	Риштон тумани	1,00	260
12.	Сўх тумани	1,00	260
13	Тошлоқ тумани	1,00	260
14.	Ўзбекистон тумани	1,00	260
15.	Фарғона тумани	1,00	260
16.	Данғара тумани	1,00	260
17.	Фурқат тумани	1,00	260
18.	Езёвон тумани	1,00	260
19.	Қўштепа тумани	1,00	260

Изоҳ: халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан жисмоний

шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.